# ЧИҒАТОЙ УЛУСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ

**А. Каримов.**
ФарДУ тарих факултети II босқич магистранти
https://doi.org/10.5281/zenodo.7688931

**Аннотация:** Ушбу мақолада Чиғатой улуси тарихи ҳақида қисқача баён қилиниб, ўша давр сиёсати ҳақида батафсил ёзилган. Айни ушбу сулола ва подшоҳ давридаги халқ ҳаётида ҳам, ҳокимият сиёсатининг улар ҳаётига ва яшаш тарзига бевосита таъсири ҳақида фикр билдирилган.
**Калит сўзлар:** улус, сулола, подшоҳ, тарих, ҳокимият, сиёсат, ижтимлий ҳаёт ва ҳ.к.

# THE FOREIGN POLICY OF THE CHIGATAI ULUS

**A. Karimov.**
FSU history faculty II stage graduate student

**Annotation:** In this article, the history of the Chigatoy tribe is briefly described, and the politics of that time are written in detail. In the life of the people during the period of this dynasty and king, an opinion was expressed about the direct influence of the government policy on their life and way of life.
**Keywords**: ulus, dynasty, king, history, power, politics, social life, etc.

Чиғатой улуси ёхуд Чиғатой хонлиги – Мўғул империясидан сўнг Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхон ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган ерларни ўз ичига олган мўғул улуси. XIII аср охирларида хонлик ўзининг энг юқори чўққисида Орол денгизининг жанубида Амударёдан то ҳозирги Мўғулистон ва Хитой чегарасидаги Олтой тоғларигача чўзилган. Чиғатой улусидаги мўғуллари ўзларининг бошқарув тарзида асосан кўчманчи бўлиб қолишган ва XIII аср охиригача шаҳар марказларида ўрнашишмаган. Чиғатой улусидаги мўғуллар Мовароуннаҳр ва Тарим ҳавзасидаги шаҳар аҳолиси устидан ҳукмронлик қилганлар. Маълумки, улуснинг дастлабки хони Чиғатойхон бўлди. Аммо савол туғиладики, Чиғатой ва унинг навбатдаги хонлари улус бошқарувида тўлиқ мустақил бўлганми? Айтайлик, Чингизхон ўз империясини фарзандларига бўлиб берганида шунчаки марказий бошқарувга яъни, Хоқонга бўйсиниш учун номига бўлган. Бироқ аввал бошидан Боту ва кейинчалик Тулу хонадонларининг ҳаракати аксинча марказ билан ҳисоблашсада кўплаб ҳолларда мустақил эди. Аёнки, кўчманчилик билан

шуғулланувчи мўғулларнинг ўтроқ аҳолини бошқариш тажрибаси йўқлиги боис Чиғатойхон ўзига тегишли улусни бошқаришни аввал хоразмлик Маҳмуд Ялавочга ва унинг авлодига топширади. Ўзи эса умрининг охиригача укаси Ўқтой Хоқон саройида бош маслаҳатчи ҳамда Ясоқ қоидаларининг тартибига жавобгар тарзида фаолият кўрсатади. Чиғатой улусидан олинадиган даромадларнинг асосий қисми Марказга яъни, Қорақурумга жўнатилган. Қолган қисмини маҳаллий аҳолидан тайинланган олий ҳоким улус эҳтиёжлари ҳамда қўшин харажатлари йўлида сарф қилишган. Бунда омма нафақат мўғул босқоқлари, доруғалари, балки маҳаллий зодагонлар ва оқсуяклар томонидан ҳам эзилган. Бу ҳолатни биз манбалар орқали кўпроқ Чиғатой улусида кузатамиз. Қолган улусларда вазият ўзгача эди. Шу боис Чиғатойдан сўнг бир неча хонлар Марказдан бутунлай мустақил бўлишга, Мовароуннаҳр бошқарувини қўлга киритишга қаттиқ ҳаракат қилдилар

. Бу ҳолат Дувахонга қадар давом этди. Фақат Дувахон даврига келиб Чиғатой улуси тўлиқ мустақилликни қўлга киритдилар.

Калит сўз: Мовароуннаҳр, Чингизхон, Чиғатой улуси, Маҳмуд Ялавоч, Бароқ, Дувахон, Муборакшоҳ, Жамол ал-Қарший, Қошоний, Ҳаравий, Сайфуддин Боҳарзий, Боту, Мунке, Қайду, легитимлик.

XIII асрнинг 20-йилларида марказлашган ва ҳарбий жиҳатдан кучайган Чингизхон қўшинларининг Марказий Осиё, Шарқий Европа ва рус ерларига уюштирган босқинчилик юришлари натижасида бу ҳудудларнинг катта қисми мўғуллар тасарруфига ўтди. Бу катта ҳудудни фақат марказдан туриб назорат қилиб бўлмаслиги ва ҳудудларни бошқариш учун ўша ҳудудда маълум бир ҳарбий кучларнинг сақлаб туриш зарурияти туфайли эгалланган ҳудудларни тўрт ўғлига улус сифатида бўлиб берди. Чингизхон бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча ривожланган ва кўплаб маданий марказларга эга бўлган Шарқий Туркистон, Еттисув, Хоразмнинг шарқий қисми, Мовароуннаҳрдан то Ҳиндикушгача ҳамда Иртиш ва Обь дарёсининг юқори қисмларидаги ерлардан то Тяншань тоғларигача бўлган ўлкаларни иккинчи ўғли Чиғатой (1224-42) ва унинг авлодларига мерос қилиб берган[79]. Чингизхон томонидан ворисларига тақсимланган ҳудудларда улус бошлиқларнинг ўрдалари бир-бирига яқин масофада жойлаштирилган. Бу ҳолат улуслар дастлабки вақтларда тўла мустақил бўлмаганлигини кўрсатади.

Бепоён ҳудудда салкам бир ярим аср ҳукмронлик қилган мўғуллар давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи ҳақида кўплаб илмий адабиётларда ёритилган бўлишига қарамасдан, уларнинг ўзаро ички ва ташқи муносабатлари, ушбу алоқаларда иштирок этган элчилар фаолияти, уларнинг шахси ва вазифалари ҳозирги кунгача алоҳида тадқиқот объекти сифатида

[79] В.В.Бартольд. Сочинения. 2 том. 1 часть. Изд. Восточной литературы. Москва. 1963. -С.59.

ўрганилмаган. Шу боис ушбу мақолада Чиғатой улусининг ташқи сиёсий муносабатлари ҳамда унда элчиларнинг роли имкон қадар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди.

Чингизхон дастлаб элчилик алоқаларини бошлаган даврда унинг мақсади асосан, Хоразмшоҳлар давлати билан савдо алоқаларини кенг йўлга қўйишдан иборат бўлгандек кўринади. Лекин охир оқибатда ушбу элчилик алоқалари 1218 йилги Ўтрор фожеасидан кейин икки қудратли давлат ўртасида уруш келиб чиқиши ва Хоразмшоҳлар давлатидек улкан давлатнинг қисқа муддат ичида мағлуб этилиб, тарих саҳнасидан кетиши билан якунланди.

Хоразмшоҳлар давлатининг ҳалокатидан сўнг Чингизхон томонидан эгалланган Марказий Осиё ҳудудларини бошқариш учун унинг иккинчи ўғли Чиғатой (1224-1242) тайинланган ва у бошқа ҳудуд ҳукмдорларидан фарқли равишда ўзи бошқараётган ҳудудни ўз номи билан “Чиғатой улуси” деб атаган[80].

Чиғатой улуси дипломатик алоқаларини икки қисмга бўлиб кўриб чиқиш мумкин: биринчиси, Чиғатой улуси хонларининг қўшни мўғул давлатлари ҳамда марказий ҳокимият билан олиб борган ўзаро алоқалари;. иккинчиси, улуснинг ғарб давлатлари ҳамда Миср мамлуклари билан ёзишмаларига бўлиб кўриб чиқиш мумкин. Чиғатой улуси хонларининг бошқа мўғул давлатлари билан ўзаро алоқалари бу даврда асосан, сиёсий мақсадга қаратилган бўлиб, улар мўғул шаҳзодалари ўртасида тинимсиз давом этаётган курашларда ўзларига иттифоқчи бўлиши учун бир-бирлари билан элчилар алмашишган. Ғарб ҳукмдорлари билан ёзишмалар эса асосан, диний масалага, яъни христианликни тарғиб этиш учун юборилган миссионерлар фаолияти билан боғлиқ бўлган. Мисрдаги Мамлук султонлари билан ҳам алоқалардан асосан, сиёсий мақсад кўзланган бўлиши эҳтимоли бор. Бу элчилик муносабатларини йўлга қўйишда Чиғатой улуси хонлари томонидан юборилган элчилар фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Чиғатойларнинг дипломатик алоқалари ушбу давр умумий қоидалари асосида чопарлар ёки элчилар орқали амалга оширилган. Бундан ташқари, хон томонидан баъзи ҳолларда ўзига қарам бўлган мулкларнинг бошлиқларига, айниқса чегарадаги қўмондонларга махфий сиёсий топшириқ билан жўнатилган шахслар – агентлар (жосуслар) ҳам фаолият кўрсатган.

Чиғатой улуси даври тарихи билан махсус шуғулланган исроиллик олима Михаил Бираннинг қайд этишича, чиғатойзодаларнинг дипломатик элчилари иккита: сиёсий ва расмий вазифани бажарган [81]. Сиёсий элчилар биринчи навбатда иттифоқ тузиш ёки бўйсуниш масалаларини муҳокама қилиш ва ҳарбий ёрдам сўраш мақсадида юборилган. Бошқа томондан уларнинг норасмий вазифаси

[80] Juvaini ‘Ala-ad-Din ‘Ata-Malik. The history of the World Conqueror / Transl. from the text of Mirza Muhammad Qazvini by J.A. Boyle; With a new introduction and bibliography by David O. Morgan. – Manchester: Manchester University Press, 1997. – P. 271.
[81] Biran M. Diplomacy and chancellery practices in the Chagataid khanate: some preliminary remarks.-P. 373.

жосуслик қилиш ёки олдиндан режалаштирилаётган ҳужумлар ҳақида маълумот тўплашдан иборат бўлган. Уруш вақтида чопарлар (улар дипломатлар бўлиши шарт бўлмаган) шаҳарларни топширишни таклиф қилиш ёки асир олинганларни айрибошлаш хусусида музокара олиб бориш мақсадида юборилган. Чиғатойлар томонидан юборилган элчиларнинг деярли барчаси ҳам амалий, ҳам сиёсий вазифаларни бажарган. Чиғатой улуси ҳукмдорларида шундай элчилар базаси ҳам шакллантирилганки, улар қўшни мўғул давлатлари Хитойдаги Юань (1260-1368), Эрондаги Элхонийлар (1256-1353) ва Олтин Ўрдага (1226-1502) зарурат туғилиши билан доимий равишда юбориб турилган.

Сиёсий элчилардан фарқли равишда расмий элчилар мақтовлар айтиш, итоат этиш ва дўстликни ифодалаш, шу билан биргаликда давлатлар ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш учун юборилган. Тез-тез чопарлар алмашиниб турилиши эса чиғатойларнинг ўз замонасидаги Хитой ҳамда мусулмон оламидаги бошқа давлатлар билан дўстона алоқада бўлганлининг рамзий белгиси ҳисобланган[82]. Чиғатойлар даврида расмий элчиларнинг яна бир муҳим вазифаси – улусда амалдаги ҳукмдорнинг вафот этганлиги ва янги хон тахтга ўтирганлигини қўшни мўғул хонларига маълум қилишдан иборат бўлган. Бундай элчилар Чиғатой улуси хонларига бошқа мўғул давлатларидан ҳам юборилган. Шундай мақсадда келган элчиларни қабул қилиш 1304 йилдан кейин кенг тус олган. Бу Чиғатой улуси хонадони вакилларининг Қайду (1271-1301) назоратидан озод бўлиб[83], мамлакат бошқарувини қўлга олганликлари билан боғлиқ. Расмий элчилар таркибидаги яна бир муҳим қисм бу – иқтисодий масалаларни ҳал қилувчи гуруҳ ҳисобланган. Улар дипломатик алоқаларнинг асосий қонуни бўлган ва хитойликлар “ўлпон” деб тушунган совғалар алмашиш, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлар[84]. Мўғул давлатлари ўртасидаги иқтисодий масалаларни ҳал қилувчи элчилар шаҳзодаларга мулкларидан келадиган даромадларнинг хавфсизлигини сақлашга ҳам маъсул бўлган. Агарда бирор ҳукмдор шаҳзоданинг мулкидаги фойдага дахл қилса, бу масалани ҳал қилиш учун зудлик билан юқорида айтиб ўтилган “махсус гуруҳ” юборилган.

Чиғатойларнинг элчилик алоқаларида кўзга кўринган шахслардан бири Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудбек (1238-1289) эди. У асосан, улусга қарашли ўтроқ ҳудудларни бошқариш билан шуғулланган бўлса ҳам кўп ҳолларда Чиғатой улуси ҳукмдорларининг расмий элчиси сифатида сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилган. Жумладан, элхонийлар тарихчиси ва вазири Рашидуддин Фазлуллоҳ

[82] Кўрсатилган асар. – P. 373.
[83] Чиғатой улусида 1271 йилда Ўқтойнинг набираси Қайду ҳукмронликни қўлга олган ва унинг назорати остида Чиғатой улуси шаҳзодалари Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган. Бу ҳолат то 1301 йил Қайду вафотигача давом этган.
[84] Liu Yingsheng, War and Peace Between the Yuan Dynasty and the Chaghdaid khanate (1312-23), in Mongols, turks and Others: Eurasian Nomads and the Sedentary world, ed. R.Amitai and M. Biran, Leiden, Brill, 2005, p. 342-343.

ибн Имомуддавла Абулхайр Ал-Ҳамадонийнинг (1247-1318) берган маълумотига кўра, 1260 йилларнинг охирларида Ҳирот урушидан[85] аввал Қайду ва Бароқхон (1266-1271) Эрондаги ўзларига тегишли меросий мулкларда давлат харажатларини кўриб чиқиш учун Маъсудбекни юборган. Лекин, Маъсудбек Чиғатой ҳукмдорларига Эрондаги вилоятлардан давлатга келадиган фойдаси ҳақида ҳеч қандай маълумот топа олмаган ва ортга қайтган.

Баъзи элчилар бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни ҳам бажарган. Шундай шахслардан бири Маъсудбек 1260 йилларнинг охирида Бароқхон томонидан элхонийлар ҳукмдори Абақахонга (1265-1282) дўстлиги ва садоқатини билдириш учун расмий элчи сифатида юборилган. Бундан ташқари, у асосий вазифа сифатида иқтисодий масалани ҳам ҳал қилиши керак бўлган. Аслида Маъсудбек элчилигининг ҳақиқий мақсади, давлатдан ташқаридаги Абақа қўшини ҳақида махфий маълумот тўплаш ва сиёсий вазифаси эса йўлларнинг аҳволини аниқлаш бўлган[86].

Чиғатой улусида элчиларни тайинлашда уларнинг шахси ҳам муҳим ҳисобланган. Юборилаётган элчиларнинг шахси кўп ҳолларда элчиликнинг мақсадига қараб ҳам белгиланган. Ҳукмдор элчи сифатида кўпинча шаҳзодалар, куёвлари, ака-укалари, ноқонуний фарзандлари ва яқин қариндошларини танлаган. Масалан, Бароқхоннинг укаси Қайдуга чопар, Қайдунинг қариндоши Қипчоқ Бароқхонга хабарчи[87], Дуванинг ўғли ва Кебекнинг қариндоши ҳам Юань давлатига чопар сифатида юборилган.

Хоннинг қариндош-уруғ ва ўғиллардан ташқари, ҳарбий саркардалар (амирлар) ва ҳукмдор шахсий гвардияси аъзолари ҳам дипломатик муносабатларда иштирок этган.

Амирлар ва диний уламолар ўша давр элчилик қоидаларидан анча яхши хабардор бўлишган. Айниқса, ҳарбий қўмондонлар элчилик ишларида кўпроқ муваффақиятга эришган. Чунки улар бошқа соҳа вакилларига нисбатан ташриф буюрадиган давлати ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлган.

Элчилик таркиби хон ва шаҳзодалар томонидан белгиланган. Гуруҳга одатда биттадан учтагача ёки ундан кўпроқ элчилар бошчилик қилган. Элчиларнинг марказий ҳокимиятдан Чиғатой улуси ва бошқа мўғул давлатларига олиб борадиган йўналишидаги асосий алмашиш бекати Тарим Басинда бўлган. Бу ердан улар Чиғатой улуси пойтахти бўлган Олмалиққа ўтишган. Олмалиқдан битта асосий йўл шимол томонга Или ва Чу водийси орқали Таласга олиб борган. Ўтрор ва Жанддан

[85] 1270 йилда Чиғатой улуси хони Бароқхон ўз давлати чегаралари кенгайтириш мақсадида Элхонийлар ҳудудуи бўлган Ҳуросонга юриш қилган. Элхонийлар ва чиғатойлар қўшини Ҳирот яқинида тўқнашган ва бу урушда Чиғатой улуси қўшинлари Қайдунинг ўз иттифоқчиси Бароқхонга хиёнат қилиб, юборган ёрдам кучларини ортга қайтариши туфайли мағлубиятга учраган.

[86] Fadhallah Abu Ras'id al-Din , Jami' u't-awarikh compendium of chronicles, trans. Wheeler M. Thackston, Cambridge MA, Harvard University Department of Near eastern Languages and civilizations, 1998-9 vol. III, -p. 522.

[87] Кўрсатилган асар. – P. 520.

кейин Олтин Ўрдага ўтиб кетишган. Бошқа йўл жануб томонга Қашғарга олиб бориб, Андижон, Фарғона орқали Мовароуннаҳрга ва ундан ўтиб Эронга, ғарб томондан Ҳиндистонга борилган. XIV асрнинг бошларига келиб, Мовароуннаҳр вилоятларининг сиёсий аҳамияти ортиб борган. Жумладан Чиғатой ҳумдори Эсан Буқа Юань ва элхонийлар элчиларини Андижон шаҳрида қабул қилган[88].

Хон ёки унинг ноиблари томонидан жўнатилган хатларни олиб кетаётган элчилар асосий алмашинув бекатларида от, озиқ-овқатлар ва бориши керак бўлган манзилгача уларни кузатиб борувчилар билан таъминланган. Уларнинг асосий озиқ-овқатлари таркибига қўй, шароб ва буғдой кириб, булар почта бекатларида махсус ходимлар томонидан тақсимлаб берилган. Элчи юбораётган мамлакат ўз вакилининг харажатларига ўзининг мамалакати ҳудудида, қабул қилиб олаётган давлат эса ўзиникида жавобгар бўлган[89]. Элчи ўрдага етиб келганда унга яшаши учун хона тайинланган. Араб сайёҳи Ибн Баттута расмий элчи бўлмаса ҳам у масжид яқинидаги қароргоҳ ҳудудида қабул қилиб олинган ва хоннинг ноибларидан бирининг чодирига жойлаштирилган[90].

Хон одатда элчининг келган давлати масофаси, улар билан алоқаларининг қандайлиги ва ушбу элчиликнинг қанчалик муҳимлигига қараб элчи шарафига базм уюштирган[91]. Одатда бундай базмлар уч кун давом этган.

Базмдан кейин чопарлар Хон ҳузурига чақирилган. Кейин улар олиб келган хатларини топширишган ва шахсан ҳукмдорнинг ўзи билан суҳбатлашган. Шунингдек, элчи ёзма ҳужжат олиб келган бўлса ҳам оғзаки мулоқот давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда муҳим рол ўйнаган. Чиғатой хони Кебекхон Хоқондан ўзининг янги жойи тасдиқланганлиги ҳақидаги элчи Байжу (Баижу) олиб келган фармонни қабул қилганидан кейин ҳисобот бериб: “Бу энг тўғри фармон, лекин агар саройга бошқа бирор киши жўнатилганда мен унга бунчалик кўп ишонмаган бўлар эдим”[92], деб айтади. Кебекхоннинг Хоқонга айтган бу сўзларидан кўриниб турибдики, мўғул давлатлари ўртасидаги элчилик алмашинувларида юборилган шахснинг ҳам алоқалардаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Суҳбатдаги донолик ва сўзга чечанлик элчиларнинг вазиятни изга солишига сабаб бўлган, айниқса улардан икки давлат ўртасидаги айни пайтдаги сиёсий ривожланиш ҳақида сўралганда вазиятни тўғри тушунтириб бериши муҳим бўлган.

Элчилар ўз вазифаларини бажарганларидан сўнг ҳам хон томонидан юртига қайтишга рухсат берилмагунча белгиланган манзилда кутиб туришган. Вақтинчалик яшаш даври элчилик миссияларига ва сиёсий вазиятга қараб ўзгариб

[88] Abu al-Qasim ‘Abd Allah b. ‘ Ali Qāšānī, Ta’rīh-i Öljaitü, ed. Mahin Hambly, Tehran. 1969. -P. 204-205.
[89] Biran M. Diplomacy and chancellery practices in the Chagataid khanate. – P. 383.
[90] Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. - М.: Наука, Гл.ред.вост.лит., 1988. -С. 117.
[91] Abdallah b. Fadlallah, Wassaf, Tarih-I Wassaf. (Tagziyat al-amsar wa-tazgiyat al-a’sar). Tehran 1338 S/1959-60. -P. 475.
[92] Sayfi b. Muhammad b. Ya’qub, Harawi, Ta’rih namah-i Harat, ed. Muhammad Z. al-Siddiqi, Calcutta, The Baptist Mission Press and Imperial Library, 1944. -P. 661-664.

турган. Одатда бу иш бир неча кунлаб ёки ҳафталаб давом этган, лекин Юань мансабдорлари савдогарларга қўшилиб келган Чиғатой расмий элчиларидан кўпинча норози бўлишган, чунки улар ҳам тижорат мақсадида келган кишилар билан қўшилиб бир ёки икки йиллаб Хитойда қолиб уларнинг меҳмондўстлигидан роҳатланиб яшашган[93] ва йўлларнинг ёпилиши ёки элчиларнинг қайсидир сабаб билан тутиб турилиши ҳам уларнинг ташриф буюрган мамлакатларида узоқ вақт қолиб кетишига сабаб бўлган. Баъзида элчиликлар кетма-кет бир давлатдан бошқасига ташриф буюрган, жумладан Миср мамлукларининг чопарлари биринчи чиғатойлар давлатига юборилган ва бу ҳудуддан ўтиб Олтин Ўрдага боришган. Юань давлатидан жўнатилган элчилар ҳам дастлаб чиғатойларга ундан ўтиб элхонийлар ва Олтин Ўрдага келган. Улар ортга қайтишда ҳар бир давлатдан жавоб мактублари ва совғалар (айниқса ипак, олтин, кумуш, кийимлар) олиб кетишган. Кўпинча Чиғатой улуси хонлари ўз элчиларини ортига қайтаётган хорижий вакилларга қўшиб юборишган.

Бунда ҳам саёҳат элчилик миссияларининг вазифаларига, сиёсий вазиятга ва йўлнинг қанча масофадалигига қараб бир йил, бир неча ой ва ҳафталарни ўз ичига олган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, элчилар ёзма хабарлар (булар мактуб, нома, рисола, фармон, ёрлиғ каби турларга бўлинган)дан ташқари, оғзаки хабарларни ҳам етказиши муҳим ҳисобланган. Ёзма юборилган хабарлар асосан, уйғур тилида битилган ва маълум қоидаларга асосланган. Турфондан топилган мўғул девонхонаси ҳужжатлари орасида мавжуд бўлган ёрлиғ ва фармонларнинг асосий қисми ҳам шу тилда ёзилган. Бошқа давлатлар билан олиб борилган алоқалардаги ҳужжатларга қўйилган муҳр қора ва қизил рангда бўлган. Қизил рангдаги муҳр жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Мўғуллар истилосидан сўнг Шарқий Туркистон, Еттисув, Хоразмнинг шарқий қисми ҳамда Мовароуннаҳрда ташкил топган Чиғатой улусининг ташқи сиёсати ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср 40-йилларигача дини, тили ва этник бирлигидан қатъий назар Хитойдан то Мисргача бўлган ҳудудда жойлашган давлатларнинг элчилик анъаналари, юборилган вакилларнинг вазифалари ва мақсадлари деярли бир хил бўлган. Бу давр элчилик алоқаларида сиёсий масалаларни ҳал қилиш муҳим ўринда турган. Чунки мўғул давлатлари ўртасидаги тинимсиз олиб борилган урушлар иқтисодий ёки маданий алоқалардан кўра, сиёсий ва ҳудудий масалаларни ҳал қилишни кўпроқ талаб қилган.

[93] Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. - М.: Наука, Гл.ред.вост.лит., 1988. –С. 385.